

Аллоҳ Абул Ҳайсамни афв этсин!



09:00 / 23.06.2021 2127

Аббосий халифалардан Маъмуннинг даврида мўътазилийлар ҳокимият тепасига келиб, Қуръони Каримни махлуқ дейиш фитнаси авж олди.

Халифанинг ёнидаги баъзилар «Аҳмад ибн Ҳанбални ҳамма яхши кўради ва унга эргашади. Шунинг учун «Қуръон махлуқ» деган гапни аввал унга айттириш керак», дея маслаҳат беришди. Халифа бу маслаҳатга амал қилиб, буюк олимни саройига олиб келтирди ва мазкур гапни айттиришга уринди. Улуғ имом бу гапни айтмадилар. Ҳазаб отига минган халифа буюк олимни зиндонга ташлади ва дарра уришга амр қилди.

Қамоқда ётган Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимахуллоҳнинг ҳаётларида бир воқеа юз бердики, имом уни кейин ҳам унутмадилар. Воқеани имомнинг ўғиллари Абдуллоҳ ибн Аҳмад ҳикоя қилиб берган:

«Отамдан мана бу гапни кўп эшитардим. «Аллоҳ Абул Ҳайсамни раҳматига олсин! Аллоҳ Абул Ҳайсамни афв этсин! Мени дарра уришга олиб чиқиб кетилаётган куни жаллодларга қўлимни узатганимда ортимдан бир киши кийимимдан тортди ва мендан: «Мени танийсизми?» деб сўради.

«Йўқ» дедим.

У: «Мен Абул Ҳайсам Айёрман, киссовур ўғриман, мўминлар амирининг девонида менинг алоҳида ўн саккиз минг марта дарра урилганлигим ҳақида қайднома ёзиб қўйилган. Мен ўша даррага шайтоннинг йўлида, дунёга эришиш илинжида сабр қилдим. Сиз Раҳмоннинг йўлида, диннинг ҳимояси учун сабр қилинг» деди.

Шундан сўнг менга ўн саккиз минг марта уриш ўрнига ўн саккиз марта дарра урилди. Ходим чиқиб: «Мўминлар амири сизни афв этди», деди».

«Маноқибу Имом Аҳмад» китоби асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади